

Ўлим ўзидан олдинги нарсадан энгилроқ



11:00 / 16.06.2019 2882

Суфён ибн Уяйна ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳу ҳақида шундай дейди: «Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу бирортасига таъзия билдирса, шундай дер эди: «Сабр-қаноат билан мусибат бўлмайди (яъни, ҳар қандай мусибат, синовлар ҳам сабр-қанот ва овуниш билан енгилади), ожизлик билан ҳеч бир фойда ҳосил бўлмайди. Мўмин банда учун ҳаёт ташвишларидан кўра ўлим энгилроқ, ўлимдан кейинги ҳаёт эса бундан ҳам энгилроқдир. (Бирор мусибат етганда) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан айрилганимизни эсланг, шунда мусибатингиз кичраяди. Аллоҳ таоло ажрингизни кўпайтириб берсин».

«Солиҳлар гулшани» китобидан